

Библиографик рўйхат

- Сирожиддин Сайид. “Хамса” ҳайратлари”. – Т.: Sharq, 2016. – 112 б.
- Сирожиддин Сайид. Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом. – Т.: Faafur Fulom nomidagi нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015. – 248 б.

НОТИҚЛИКДА РИТОРИК АСПЕКТ МУАММОЛАРИ

Л. И. Хуррамова

Magistr,

*O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti,
Toshkent, O'zbekiston*

Summary. This article is devoted to the importance of the rhetorical aspects of speech culture, in which the teacher must have a speech culture, as well as the meaning of the concept of speech culture.

Keywords: speech technique; written speech technique; teacher's voice; teacher pronunciation; teacher diction.

Ўқитувчининг нутқ техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан бири – нутқ темпи, тезликни тўғри белгиламаслийк ёки тезлик секинликнинг мақсадга кўра мўтадиллигини сақлай олмаслигидан иборат. Нутқнинг темпи баён қилинаётган материалнинг моҳиятига ифодаланаётган фикр структурасига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи материални фақат жадал темпда баён қилса, ўқувчи ахборотни ўзиники қилиб олишга, ахборот таркибидаги мухим жиҳатларни ўз вақтида илғашга, уни идрок этишга қийналади. Яъни, ўқувчининг идрок сурати ўқитувчининг нутқ тезлигидан орқада қолади. Нутқ техникасида дикция масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир товуш сўзнинг тўғри ва аниқ талаффуз қилиниши нутқ оқимида сўз шакллари ва гапларнинг чайналмаслиги ўқитувчи нутқи учун жиддий талаблардандир. Нотўғри ёки ноаниқ талаффуз қилинадиган товушнинг ҳосил бўлишида турли машқлар яхши ёрдам беради. Масалан, тез айтишлар, мақол ва маталларни овоз чиқариб тақорорлаш ва бошқалар. Ўқитувчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайғуриши, фонетика ва фонологияга эътиборлироқ бўлиши керак. Нутқ техникасиз ўқитувчининг оғзаки нутқ маданиятини мақсадга мувофиқ деб бўлмайди.

Нутқ маданияти – муайян бир халқ маданиятининг ушбу халқ тилидаги акси ва ифодасидир. Ушбу тушунча борасида турли хил қарашибизга изоҳлар мавжуд бўлса-да, энг аввало, нутқ маданияти грамматик жиҳатдан тўғри гап тузиш, хатосиз сўзлаш, тушунарли ва равон фикр юритиш деб талқин этилади. Нутқ маданиятининг меъёрийлик, этик (ахлоқий), коммуникатив [1] ва риторик аспектлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос жиҳатларга эгалиги билан характерланади. Тилда меъёр билан боғлиқ қоидаларга риоя қилиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозалиги,

жўялилиги, мантиқийлиги каби бир қатор коммуникатив сифатларга қўйилган талабларга амал қилиш, нутқ одоби ҳамда риторика қонуниятлари сирларидан бохабар бўлиш мулоқот жараёнининг юқори нутқ маданияти билан таъминланишида асос вазифасини ўтайди. Нутқ маданиятининг риторик аспекти нотиқлик назарияси асосларини ўрганиш билан бир қаторда, нутқнинг таъсирчанлиги билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Таъсирчан нутқ дейилгандা, тингловчи ва ўқувчининг диққат-эътиборини жалб қила оладиган ҳамда уларда қизиқиш уйғота оладиган хусусиятларга айтилади.

Антик давр нотиқлари риторикани «маълум бир мавзуда тингловчини ишонтира олиш йўлларини билиш санъати» (Арасту), «яхши нутқ сўзлаш ҳақидаги фан» (Квинтилиан) деб талқин қилсалар, рус олимлари уни «ифодали сўзлай билиш санъати, ўзгаларни ўз фикрига қўшилишга қўндира олиш, таъсир қила билиш» (М. В. Ломоносов), «қалбларни ларзага солувчи, ўзга қалбларни нотиқнинг хоҳиш-истаклари билан тўлдирувчи, уларни нотиқнинг мақсадлари сари йўналтира олевчи бир неъмат» (Н. Кошанский, М. М. Сперанский) [2], деб таърифлайдилар. Чет эл олимлари томонидан риторикага – «ишонтириш, яхши сўзлаш ва нутқни безаш санъати» (В. Флорески), «ундовчи нутқнинг назарияси» (С. Перелмен, Б. Франс, Гейснер), «турли хил нутқларни қузатиш натижасида юзага келган санъат» (Д. Марсес), «хоҳишларни уйғотиш мақсадида ақлни, онгни ишлата билиш санъати» (Ф. Бекон) [3] каби турли таърифлар берилган. Бизнинг фикримизча, риторика – фикрни ифодали, маъноли, таъсирчан баён эта олган ҳолда тингловчиларга таъсир этиш, уларни сўзловчи мақсадлари сари эргаштириш, мавзуга қизиқтириш ҳамда ишонтира олиш, тингловчиларни савобли ишларга қўл уришга ундей олиш санъатидир. Биз турли манбаларда риторикани «ундаш ва ишонтириш санъати» деб таърифлаган фикрларни риторикага берилган энг ўринли баҳо деб ҳисоблаймиз.

Риторика дейилганда, икки маъно назарда тутилади. Биринчиси – нотиқлик санъатининг асосларини ўрганувчи фан, иккинчиси эса – ҳар қандай ифодали ва таъсирчан нутқни илмий жиҳатдан ўрганувчи соҳа. Риторика алоҳида фан сифатида шакллангунга қадар қатор босқичларни босиб ўтган. Эрамиздан аввалги 510 йилда Афинада демократик институтларнинг ўрнатилиши нотиқликнинг муҳимлигини, айниқса, халққа хизмат кўрсатиш тармоқларида аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Ўқитувчилар гурӯҳи, яъни софистлар деб ном олган гурӯҳ кишиларни яхшироқ, ифодалироқ нутқ сўзлашга ўргата бошладилар [4]. Софистлар дарсларга жуда катта хақ олганлар, ўз эгаллаган билимларини эса, донолик деб билганлар [5]. Римда расмий риториканинг моҳирлари, ўқитувчилари аввал юононлар бўлганлар. Назарий ва амалий риториканинг буюк усталари Цицерон ва Квинтилианлар юонон услуги асосида иш кўрганлар [6]. Ифодали сўзлаш назарияси асослари дастлаб Арастунинг «Риторика» трактатидан бошланади [7], Коракс Сиракус – сицилиялик грек миллатига мансуб шахс но-

тиқлик асосчиси бўлган [8], энг биринчи нотиқлар: Антифонт, Андокид, Лусиас, Сукрот, Исаус, Демосфен, Лусиргус ва шу каби бошқа нотиқлар бўлган [9], деган турли хил қарашлар ҳам мавжуд. Кўпгина давлатларда риторикани ҳаётнинг 3 асосий жабҳаси: сиёsat, суд ва дин тизимида муҳим деб билганлар. Анъанавий риторика Буюк Британиядаги нотиқлик санъатига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ушбу мамлакатда ўрта асрлар диний нотиқлик ривож топиб, сиёсий нотиқликка бўлган эътибор сусайган давр бўлди. Англияда энг таниқли нотиқ Жон Генри Нюмен бўлиб, у динни кенг тарғиб қилар экан, черковдаги маҳаллий диний стандартларнинг ривожига катта таъсир кўрсатди [10]. Паул, Жон Кристостом, Августин каби қадимги даврнинг машхур нотиқлари шулар жумласидан. XV асрда Савонарола, XVI асрга келиб, Мартин Лютер ва Жон Калвин каби буюк нотиқлар фаолият олиб борганлар [11]. XVIII асрда лотин ва юнон адабиётининг таъсири остида Англияда нотиқлик санъати янада ривож топди [12]. Ушбу даврда сиёсий нотиқлик ҳам муҳим деб ҳисобланиб, унга бўлган эътибор кучайиб борди. XIX асрда (1832 йил) қонунларнинг қайта ислоҳ қилиниши нотиқлик санъатининг янада ривож топишига сабаб бўлди. Лекин қисқа вақт ичida у қуруқ сиёсий нутққа, сафсатабозликка айланниб қолди [13]. 1920 йилларга келиб анъанавий риторика ўзининг илмий қадрини йўқотган ва у стилистика фанининг ичига киритилган [14]. Юнонистонда риторика деб номланувчи нотиқлик санъати Шарқда воизлик деб аталган. Кейинчалик бу муҳим ишни хушвуз, таъсирчан гапирадиган, ишонтира оладиган маҳсус кишилар – воизларга топширганлар. Ўзбекистонда риториканинг ривож топишида ислом динининг инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи сўфиийлик таълимоти ҳам катта аҳамият касб этди. «Сўз қалити» деб номланган асар муаллифи бўлган фарғоналий Қози Эшоний (XV–XVI) риторика ривожига катта хисса қўшади. У кишиларни ишонтириш, ундаш ва ҳар қандай баҳс-мунозарада ютиб чиқа олиш қобилиятига эга эди.

Демак, нотиқликнинг риторик аспектлари ўқитувчи нутқ маданияти, ўқитувчининг овози, ўқитувчининг талаффузи, ўқитувчининг дикциясида яққол намоён бўлар экан.

Библиографик рўйхат

1. Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (ЎЗР ОАВ мисолида): Филол. фан. док. ...дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 24-36; Культура русской речи. Учебник для ВУЗов. – М.: Норма-Инфра, 2000. – С. 15. Пасечная И.Н. Культура речи (аспекты порождения высказывания). – Орск, ОГТИ, 2012. – С. 9-28.
2. Габуния З., Башиева С. Риторика как часть традиционной культуры. – Нальчик, ЭЛЬФА, 1993. – С. 3-77.
3. Тарасов Е.Ф. и другие. Речевое воздействие в сферах массовой коммуникации. – М.: Наука, 1990. – С. 15-21.
4. Нерсесянц В.С. Сократ. – М.: Инфра – М – Норма, 1996. – С. 60.

5. Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. – Ростов – на Дону: Феникс, 1998. – С. 223.
6. Funk and Wagnalls New Encyclopedia. – USA: Funk and Wagnalls, 1976. V 22. – p. 252.
7. Габуния З., Башиева С. Риторика как часть традиционной культуры. – Нальчик, ЭЛФА, 1993. – С. 3-4.
8. World Book Encyclopedia. – USA: World Book, 1994. V.14. – PP. 818.
9. Funk and Wagnalls New Encyclopedia. – USA: Funk and Wagnalls, 1976. V 22. – p. 252.
10. The Columbia Encyclopedia. – USA: Columbia University Press, 1993. – P. 2091-2092.
11. World Book Encyclopedia. – USA: World Book, 1994. V.14. – P. 819
12. Britannica Concise Encyclopedia. – USA: Encyclopedia Britannica, 2003. – P. 1034.
13. Britannica Concise Encyclopedia. – USA: Encyclopedia Britannica, 2003. – P. 2091-2092.
14. Гиро П. От риторике к стилистике// Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1980. – С. 35-40.

